



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (13.878)

Баҳоси эркин нарҳда

НЕФТЬ-ГАЗ ВА КИМЁ САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни нефть-газ ва кимё саноатида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини таҳлил қилиш, ушбу тармоқларни тизимли ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳаларини уйғун ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилги Инвестиция дастурига мазкур соҳа бўйича умумий қиймати 27,8 миллиард долларлик 26 та лойиҳа киритилган. Президентимиз ушбу лойиҳалар билан ҳар куни шуғулланиш, уларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Энергетика ва Молия вазирликларига "Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизда синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш-ни ташкил этиш" лойиҳаси бўйича 2,3 миллиард долларлик хорижий кредитларнинг молиялаштириш шартларини белгилаш, "Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш" лойиҳаси бўйича Россия "Газпромбанк"нинг 300 миллион долларлик кредитини жалб қилиш вазифаси юклатилди.

Муборақ гази қайта ишлаш заводи, Шўртан-нефтьгаз ва Газлинефтьгаз корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб чиқариш, геологик қидирув ускуналарини сотиб олиш каби лойиҳаларга талаб этилаётган маблағларни мамлакатимизнинг еврооблигациялари ҳисобидан молиялаштириш лозимлиги таъкидланди.

Геология-қидирув ишлари мураккаб бўлган

худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда тизимда тўпланиб қолган дебитор қарздорликни қайтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тармоқнинг экспорт салоҳияти таҳлил қилинар экан, бу борада фақат газга боғлиқ қолмасдан, углеводородларни чуқур қайта ишлаш асосида экспорт ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

"Ўзбекнефтьгаз" ва "Ўзкимёсаноат" раҳбариятига табиий газдан юқори қўшилган қийматли полимер, полистирол, ПЭТ, синтетик каучук ишлаб чиқариш концепциясини тайёрлаш, жорий йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган нефть-газ бўйича халқаро конференцияда чет эллик инвесторларга тақдим қилиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда "Ўзбекнефтьгаз" АЖ тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, тарифларни бозор тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш, нефть базалар ва худудий газ таъминоти хизматлари, жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини ишончли инвесторлар бошқарувига бериш бўйича аниқ чоралар ҳам назарда тутилиши кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳаси билан узвий боғлиқ бўлган кимё тармоғидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди.

Кимё саноатини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақ-

садида умумий қиймати 8 миллиард долларлик 33 та лойиҳа белгиланган бўлиб, жорий йилда 4 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

Президент кимё саноати юқори рентабелли тармоқ эканини таъкидлаб, 2019–2025 йилларга белгиланган истиқболли лойиҳаларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Жумладан, Қўқон суперфосфат, Қўнғирот сода заводлари бўйича хорижий ҳамкорлар билан келишувларга эришиш, Янгйер шаҳрида аммиак ва карбамид заводи барпо этиш бўйича инвесторларни аниқлаш вазифаси қўйилди. Кимё саноати корхоналарини модернизация қилишни тезлаштириш, маҳсулотлар сифатини ошириш мақсадида соҳани хусусий мулкчилик асосида ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

"Ўзкимёсаноат" раҳбарияти бугунги долзарб масалалардан келиб чиқиб, фақат минерал ўғитлар билан шуғулланмасдан, соҳани кўп тармоқли тизимга айлантириш йўлида изланиши керак. Иқтисодий ва саноат вазирлиги билан биргаликда юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг турини кўпайтириш бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда жорий йил 28 январдан эълон қилинган "Қутуриш касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ойлуги" доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш масаласига бағишланган туркум амалий семинарлар бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида ажрашиш арафасида бўлган оилаларни сақлаб қолиш мақсадида "Оилалар мустаҳкамлиги – фаровонлик гарови" деб номланган тадбир ўтказилди.

● Сирдарё вилоятида "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида аёллар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масаласига қаратилган кўرғазмали амалий семинарлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Гулистон шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

● Орол денгизининг қурган майдонига саксовул экиш ишлари бошланганига икки ой тўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ўтган йил декабрь ойида бошланган кенг кўламли тадбирлар самарасида жорий йил 18 февраль ҳолатига кўра, 917,2 минг гектар ер майдони экишга тайёрланган. Унинг 363 минг гектарига саксовул уруғи экилган.

● Наманган тумани Чағир маҳалласида "Эзгу ният текстил" оилавий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Тадбиркор Баҳодир Файзиев маҳалла худудидаги собиқ ширкат хўжалиги биносининг иккинчи қаватини ижара шартномаси асосида ўз тасарруфига олиб, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширди. Қаровсиз қолган бу жойни ишлаб чиқариш цехига мослаштирди.

ЖАҲОНДА

● Санкт-Петербургда мина ҳақидаги хабардан сўнг Эрмитаж музейига ташриф буюрганлар эвакуация қилинди. Таҳдид қилиб ёзилган хат келгач, одамлар эвакуация қилинмоқда. Эслатиб ўтамиз, 21 февраль куни музейга кириш бепул бўлган эди.

● Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган сайёҳлик кўрғазмасида машҳур Volkswagen T2 фургонининг Lego бўлакчаларидан ясалган тўлиқ ўлчамли нусхаси тақдим этилди. Фургон нусхасини махсус сертификатга эга Lego моделисти Рене Хоффмайстер ва унинг шериги Паскаль Ленхард йиғган. Моделнинг оғирлиги 700 килограмм. Уни қуришга олти ҳафта вақт кетган. Автомобилнинг саломи, жумладан унинг радиоси ва идиш-товоклари ҳам Legodан ясалган. Филдирек эса ҳақиқий.

● 10 йилдан буён АҚШ долларидан миллий валюта сифатида фойдаланиб келган Зимбабве ўзининг янги валютасини яратишга қарор қилди. Зимбабве Марказий банкнинг маълум қилишича, банкларда сақланаётган АҚШ долларига боғланган рақамли долларлар ва суррогат валюталар энди Америка доллари билан 1:1 нисбатда алмаштирилмайди.

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БОШ ШТАБИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТўҒРИСИДА

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференцияси ўтказилди.

Дастлаб анжуман иштирокчилари Хотира майдонида бўлиб, ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойга гулчамбар кўйди. Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг анжуман ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон, Қозғистон, Покистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон Қуролли Кучлари Бош штаблари бошлиқлари, Қирғизистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиқининг биринчи ўринбосари, АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони иштирок этиди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор Баҳодир Қурбонов катнашди ва иштирокчиларни қутлади.

Мулоқот чоғида хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда дунёнинг турли минтақаларида хавф ва таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, барқарорликни таъминлаш масаласи глобал характер касб этаётгани қайд этилди. Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу анжуман кўп томонлама ҳарбий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбирда Марказий Осиё минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш, ишонч руҳидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, яхши қўшнилик тамойилига асосланган фаолиятни давом эттириш, Афғонистондаги нотинч вазиятга ижобий ечим топиш масалалари кўриб чиқилди.

Конференцияда Марказий Осиёдаги вазият, халқаро терроризмга қарши курашиш йўлидаги устувор вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиёда хавфсизлик, барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди, – деди АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Вотел. – Америка Қўшма Штатлари эса ушбу минтақадаги мамлакатлар суверенитетини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш, конструктив ҳамкорликни ривожлантириш ва олға суриш тарафдори бўлиб қолади.

Шунингдек, анжуманда Афғонистонда иқтисодий тиклаш, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, мамлакатда маҳалла кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎЗА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Қуюв механика заводи" шўъба корхонасида 200 турдан ортиқ бутловчи қисмлар тайёрланмоқда.



КОРХОНАДА 200 ДАН ОРТИҚ БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шу кунгача соҳага зарур бўлган 20 га яқин маҳсулотлар маҳаллийлаштирилди. Тележанинг турли эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона томонидан ўтган йилда Ўзбекистонда илк бор тележаклар тормоз қисмлари ҳам шу ерда тайёрлана бошланди. Шунингдек, темир йўллари электрлаштириш ишларида фойдаланиладиган 10 га яқин турдаги керакли эҳтиёт қисмлар, ирригация ва сув хўжалигида фойдаланиладиган катта ҳажмли сув очиш ва ёпиш мосламаси ҳам шу ерда тайёрланмоқда. Қуюв цехи тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, хорижийнинг "KUNKE WAGNER", "OTTO JUNKER", "NEDERMAN" номли нуфузли компанияла-

ри томонидан юқори сифатли ва сўнги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Юк вагонлари ишлаб чиқариш белгиланган режа асосида жадал суръатларда амалга оширилмоқда. 2018 йилда жами 295 та вагон ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг аксариятини ярим усти очиқ вагонлар ташкил этади. Шунингдек, корхонада 581 та юк вагони таъмирланди. Жорий йилдан бошлаб заводда 24 метр ўлчамга эга фитинг платформаларини кенг кўламли ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Эйтиборлиси, ўтган йил давомида завод томонидан 950 минг АҚШ доллари миқдоринда маҳсулотлар экспорт қилинди.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ГИДЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Тошкентда Бутунжаҳон экскурсоводлар куни муносабати билан III халқаро гидлар форуми ўз ишини бошлади.

"Буюк Ипак йўли: чегарасиз ҳамкорлик" номи остида ўтаётган форумда мамлакатимизнинг турли худудларидан келган туризм соҳаси мутахассислари, гидлар, туроператорлар, музейшунослар ва халқаро экспертлар иштирок этмоқда.

Форумнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Абдулазиз Ақулов мамлакатимизда жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси туризм уюшмаси ташкил этилгани юртимиз туризм ҳаётида узоқ кутилган воқеа эканини қайд этди.

Ушбу лойиҳа Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, қўмита ҳузуридаги "Туризм ўқув-консалтинг маркази" давлат унитар корхонаси ва мамлакатимизда фаолият юритаётган экскурсоводларнинг биргаликдаги

саъй-ҳаракати билан амалга оширилди. Мазкур уюшма Ўзбекистон туризм бозори иштирокчиларини бирлаштириб, гидлик фаолияти учун самарали бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Форум доирасида халқаро илмий-амалий конференция ҳам ўз ишини бошлади. Унда соҳа бўйича халқаро экспертлар гидлик амалиёти ва назариясига оид маърузалари билан иштирок этмоқда.

Хусусан, Испания гидлари миллий уюшмаси президенти Альмудена Родригез гидлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланишга қарши курашда ўз мамлақати тажрибаси ҳақида маълумот берди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш долзарб масала ҳисобланади, – дей-

ди ЎЗА муҳбирига Самарқанд шаҳридаги "Ипак йўли" туризм халқаро университети проректори Баҳодир Тўраев. – Шу боис, жаҳоннинг халқаро таълим стандартларига мос келувчи 68 та ўқув дастурини ўрганиб чиқдик. Бу йўналишдаги халқаро амалиётни инobatга олиб, университетимизда 12 та янги йўналиш очдик. Улардан бири гид-экскурсовод ва таржимонлик фаолияти бўйича бакалаврият йўналишидир. Мазкур йўналишда талаба 3 йил давомида зарур билим ва кўникмаларни олади. Бу бўйича магистратура бўлиминини очилиши ҳам режалаштирилган. Форум доирасида халқаро ташкилотлар, таълим муассасалари билан ушбу йўналишдаги истиқболли ҳамкорлик масалалари бўйича фикр алмашиш имконига эга бўлди.

Форумнинг биринчи кунини Ўзбекистон Республикаси гидлар уюшмаси билан Франция, Ҳиндистон, Испания гидлари миллий уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Анжуман доирасида "Ўзбекистон – сайёҳлик ватани" фототанлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. "Гидлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Малоҳат ХУСАНОВА

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидида "Регионал диалог" (Словения) халқаро ташкилотли билан ҳамкорликда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнига кўмаклашиш юзасидан халқаро семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суд вакиллари, АҚШ, Шотландия ва Словения каби давлатларнинг нуфузли экспертлари, халқаро ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Семинарда хоризжлик мутахассислар томонидан судьялар тайёрлаш борасида тўпланган илгор халқаро тажриба ҳақида маърузалар тингланди.

Барча ривожланган мамлакатларда судьяларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилади, — дейди Шотландия суд институтининг директори Алистер Дафф. — Бизда ҳам судьялар тайёрлаш бўйича катта амалиёт тўпланган. Ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланамиз. Институт расмий сайтига илмий-амалий қўлланмалар, дарсликлар, аудио ва видеоматериаллар доимий жойлаштириб борилади. Бундан ташқари, унда суд процессларидан олинган турли материаллар ҳам акс этган.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини амалда таъминлаш борасида жиддий ислохотлар ўтказилаётгани эътирофга лойиқ, — дейди АҚШ Федерал суд марказининг суд таълими бўйича катта ҳуқуқшуноси Стефани Хеммерт. — Судлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш долзарб вазифадир. АҚШ Федерал суд марказининг асосий вазифаларидан бири судлар фаолияти юзасидан мунтазам тадқиқотлар ўтказишдир. Унинг натижалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Семинар иштирокчилари хоризжда судьялар ва суд ходимлари малакасини ошириш тартиби бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбири**



ТЎҚИМАЧИЛИК ТЕХНОПАРКИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Тўқимачилик ва мода индустрияси ривожланиши, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мато ва усқуналарнинг янги авлодини ишлатиш учун, аввало, рақобатбардош кадрлар керак.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган "Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузурида Корея Республикаси Ҳуқуматининг беғараз кўмагини жалб этган ҳолда Ўқув-амалий тўқимачилик технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу мақсадларга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида имзоланган меморандумга мувофиқ, айни пайтда ушбу тўқимачилик технопаркини барпо этиш, уни зарур инвентарлар билан таъминлаш ишлари олиб борилаётган.

Тўқимачилик технопаркида 13 февраль куни Корея технология институти вакиллари билан ўтказилган учрашувда технопаркини барпо этиш ва унга мутахассислар жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Технопаркда Корея технология институти олимлари билан ҳамкорликда ўқув-амалий машғулотлар олиб бориш, халқаро ўқув дастурлари асосида ёш олимларнинг изланишларини йўлга қўйиш, материалшунослик, бўяш-пардозлаш, ишлаб чиқариш, газлама ва кийим-кечаклар дизайнини яратиш

кўзда тутилган. Бундан ташқари, юқори технологияли буюмлар ишлаб чиқариш ва инновацион хизматлар кўрсатиш, рақобатбардош муҳандис-техник ходимлар тайёрлаш имкони яратилади.

Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки мини-кластер сифатида фаолият юритади. Мамлакатимиздаги пахта-тўқимачилик кластерларига шартнома асосида маҳаллий ва чет эллик мутахассис ва экспертларни жалб этишга кўмаклашади.

Технопаркининг трикотаж бўлимида Кореядан келтирилган замонавий трикотаж тўқималарининг янги турларини яратиш, юртимизда етиштирилган табиий ва кимёвий тоғали газламаларни юқори сифатда пардозлаш, замон талабига мос ассортиментларини яратиш режалаштирилган.

— Бу ерда хомашёдан тайёр маҳсулот тўқишгача бўлган жараён камраб олинади, — дейди Корея технология институти ходими Жонг Че Пак. — Янги ишланмалар тажрибадан ўтказилади ва амалиётга жорий этилади. Шу орқали таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувига эришилади. Келажакда фаолиятимизни халқаро тажриба асосида янада кенгайтириш ниятидамыз.

Олимжон ЖУМАОБОВ

"Бизнес психологияси" деганда нима тушунилади? Тадбиркорликда "стресс-менеджмент" нима? Бизнес режа қандай тузилади? Бу ҳақида Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида ўтказилган "Бизнесга илк қадам" мавзусида давра суҳбатида ўқувчиларга батафсил маълумот берилди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги Фармонида мувофиқ ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни мазкур фаолиятга янада кенг жалб этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда халқ хунармандчилиги ва муайян касб-кор билан шуғулланиш, ёшлар корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

БИЗНЕСГА ИЛК ҚАДАМ

— Маълумки, ўрта-маҳсус маълумот берувчи касб-хунар коллежларида ўқувчилар уч йил давомида таълим олиш билан бирга, меҳнат бозорига ўз ўрнига эга 2-3 та ўрта бўғин мутахассислигига эга бўлади, — дейди коллежнинг ёшлар етакчиси Оллоберган Аскарлов. — Коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар дастурига мувофиқ мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари билан ҳамкорликда ҳар йили "Менинг бизнес гоём" танловида голий деб топилган ёшларнинг муайян ҳудудни иқтисодий ривожлантиришда амалий ижтимоий аҳамиятга эга бизнес лойиҳалари учун имтиёзли шартларда кредитлар ажратилади ва лойиҳа молиялаштирилади. "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида ташкил этилаётган ёшлар меҳнат гузарлари ва коворкинг марказлари битирувчиларимизнинг иш билан бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Коллежимизнинг бухгалтерия йўналиши 3-босқич ўқувчиси Абдулазиз Мўминовнинг хоризжий тилларни ўқитишга йўналтирилган "Your China" ўқув марказини ташкил этгани бунга яққол мисолдир.

Тадбир сўнггида Абдулазиз сингари тадбиркорликда иштирокчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази координаторлари Ж.Абдиримов, А.Мухиддиновдан батафсил жавоб олди.

Тошкент молия институти қошидаги академик лицейида ҳам ушбу мавзуда семинар-тренинг ўтказилди.

"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратилиши масаласида юзга келаятган муаммоларга ечим топиш ва лицей ўқувчиларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази координаторлари М.Худойназарова, М.Яхшибоев, марказнинг Тошкент шаҳар бўлими масъул раҳбари Х.Нарзиев, лицей директори Х.Саидрасулова ва тадбиркорликка қизиқувчи 3-босқич ўқувчилари катнашди.

Семинарда солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар, давлат хизматлари кўрсатиш, бўш ер ва бинолардан фойдаланиш имкониятлари атрофида тушунтирилди.

Тадбирдан асосий мақсад ўқувчиларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бўш вақтларидан унумли ва мақсадли фойдаланишга ўргатиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришдан иборат, — дейди академик лицейнинг ёшлар етакчиси Хусан Расулов. — Ўқув муассасамизда 324 нафар ўғил-қиз таълим олади. Ушбу тадбирдан олган билм ва кўникмалар ўқувчи-ёшларга тиришқок, сабр-қаноатли, меҳнатқаш тадбиркор бўлишида катта ёрдам бериши шубҳасиз.

Семинар-тренингда ўқувчи-ёшлар тадбиркорлик кўникмаларини янада ошириш учун Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказидаги "Бизнес клуб"га таклиф этилди.

Ёшлар иттифоқи Олмасор туман Кенгазининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Абдужалил Ҳамидовнинг таъкидлашича, келгусида бундай тадбирлар тумандаги бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам ўтказилиши белгиланган.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ҲЗЛиДеП фракцияси ва партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ҳамкорлигида ҳуқуқни қўллаш амалиётида, айниқса, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашда қонун устуворлигининг муҳим жиҳатларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси меҳнат ва меҳнат муҳофазаси масалалари, бандлик соҳасида белгиланган кафолатларнинг таъминланиши, воғға етмаганлар меҳнатидан фойдаланмаслик, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлашни тақиқлаш ҳамда иш бевуқчилигининг фуқаролик жавобгарлиги сурғуртаси каби масалаларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда меҳнат муноса-

батларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, у йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Биргина 2018 йилда қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг 2 та фармон ва 3 та қарори аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳаси ҳам айнан ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Давра суҳбатида қўмитанинг жойлардаги ўрганиш-

ри ва фуқаролар билан бўлган мулоқотларида иш бевуқчилиги томонидан ишга қабул қилиш тартибини бузиш, иш ўринларини мажбурий аттестациясини ўтказишни рад этиш, меҳнат муҳофазаси талабларини баъжармаслик ҳолатлари ҳам учраётгани таъкидланди.

Қонун лойиҳасида фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнатни муҳофазаси қилиш қоидаларини бузганлик ва гайриқонуний равишда ишдан бўшатганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган.

Давра суҳбати якунида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Нурилло НАСРИЕВ

Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда жамоат транспортини яхшилаш, хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда шахримизда 9 та автобус саройи фаолият юритиб келмоқда. Улар томонидан 133 йўналишда транспорт хизмати йўлга қўйилган бўлиб, 200 миллиондан зиёд йўловчи ташилади.

Бугунги кунда "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятга қарашли автобус саройларига янги автобуслар келтирилиши давом этмоқда. Бу йўл ҳаракати тизимини босқичма-босқич янгилаш ва яхшилаб беришига хизмат қилади.

Йўловчиларга яриллаётган қулайликлар, уларга сифатли хизмат қилишни таъминлаш мақсадида автобус саройларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

5,2 гектар ҳудудни қамраб олган "18-автобус саройи" масъулияти чеklangан жамияти Учтепа туманида жойлашган бўлиб, бугунги кунда 167 та автобусларга эга. Корхонада жами 556 нафар ходим фаолият олиб боради, шундан 310 нафарини ҳайдовчилар ташкил этади.

— Йўловчиларга маданиятчилик ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида ходимларимизга

кўрсатма ва тушунтиришлар бериб боришни маънавий-маърифий тадбирлар орқали кучайтирмакдамыз, — дейди "18-автобус саройи" МЧЖ директори Равшан Топшўлатов. — Шунингдек, қатновлар доимийлиги ва оралиқ интервалларини бузмаслик, бекатларда тўхтамаслик ёки узок тури қолиш каби эътироз ва шикоятларнинг олдини олишга ҳам алоҳида аҳамият қаратамыз. Йўловчи ташиш қоидаларини бузган ҳайдовчи ва чиптачиларга нисбатан ўрнатилган тартибда таъсир чораларини кўриш бўйича "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятининг буйруғи асосида низоом тасдиқланган. Шу низоомга мувофиқ чоралар кўрилиши ҳам кўзда тутилган. Инсонлар узоғини яқин қилиш, уларга сифатли хизмат қилишни таъминлаш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқдамыз.

Жасур ҲАЗРАТҚУЛОВ

Хабарлар

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МАРАФОНГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Жорий йилнинг 24 март санасида ўтказилиши кутилаётган марафонда ўн саккиз ва ундан юқори ёшда бўлган барчанинг иштирок этиши кўзда тутилган. Марафон 21 км. масофани ўз ичига олади.

Шунингдек, мусобақада Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон, Туркия ва Хитой давлатларидан вакиллар ҳам иштирок этади.

Бундан ташқари, 5 километр масофага югуриш мусобақаси ўтказилиши кўзда тутилган. Ушбу мусобақада 15 ва ундан юқори ёшдаги қатнашчилар иштирок этишлари мумкин.

Марафонда қатнашиш учун 15 февралдан 15 мартга қадар рўйхатдан ўтиш керак.

Ғолиблар пул мукофоти, медал ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Маълумот учун марафон Тошкентда илк бор ташкил этилмоқда.

ҚУРИЛМА НОҚОНУНИЙМИ ЁХУД ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ИШЛАРИ

Ҳозирги кунда Чилонзор туманида жойлашган кўпба вақтинчалик қурилмалар ва савдо расталари, савдо-сотих объектлари тартибга келтирилмоқда.

Барча тадбиркорлар иш бошлаб, бунинг учун жой танлаётганда ва ҳужжатлар тайёрлаётганда шаҳарсозликка оид талаблар билан таништирилади.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги "Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги "Тошкент шаҳар ҳудудида аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 115-сонли қарорлари етарлича асос бўлиб хизмат қилади.

Шаҳар барчамизники, уни кўркамлаштириш ҳам гўзаллигини сақлаш ҳам ўз қўлимизда.

ПИЁДАЛАР ЎТИШ ЖОЙИ ЭНДИ ЯНГИ КЎРИНИШДА

Амир Темура кўчасининг Молия институти олдидаги пиёдалар ўтиш жойи янги кўринишга эга бўлди.

Ушбу пиёдалар ўтиш жойига янги конструкция ўрнатилди. Унга милтилловчи сариқ ишорали светофор, тунда аниқ кўриниши учун ёруғлик диодли йўл белгилари ўрнатилди. Шунингдек, пиёдалар ўтиш жойининг ёритилишини кучайтириш учун қўшимча чироқлар жойлаштирилди.

Маълумот учун, бундай конструкция республикамизда хусусан, Тошкент шаҳрида илк бор татбиқ этилмоқда. Мазкур қулайлик ҳудудда ҳаракат хавфсизлиги фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ҚИСКА САТРЛАРДА

- Эртага "Туркистон" саройида "Ўзбекистон" ансамбли ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган матбуот анжумани ҳамда ҳисобот концерти ўтказилади.
- Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳузурида Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ташкил этилди.

- Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналари тажриба лойиҳаси ишга туширилади.
- Пойтахтимизнинг "Универсал" спорт мажмуасида Жiu-житсу бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтади.
- Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Олмасор Ўқув СТК" уштар корхонасида пневматик қуролдан ўқ отиш тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилигининг биринчи босқич мусобақаси ўтказилади.
- Тошкент давлат стоматология институтида "Тиббий олий таълим тизимида АКТ: симуляторлар ва робототехника" мавзуда биринчи халқаро конференция ўтказилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетида ташкил этилган "Халқаро ҳаёт" деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи "workshop" шаклидаги илмий-амалий семинар-клуб ўз ишини бошлаганига мана бир йилга яқин вақт бўлди.

Мунтазам равишда ўтказилаётган семинар машғулоти халқаро ҳаётнинг энг муҳим муаммоларига бағишланган маъруза ва мунозаралар шаклида ташкил этилмоқда. Унинг ишида университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар иштирок этаётган бўлсалар, яқин орада уларнинг сафини бошқа таниқли олимлар, жамоат арбоблари ва адиблар билан тўлдириб режалаштирилмоқда.

Семинарлардан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда халқаро ҳаётда руй бераётган сиёсий-ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва бошқа воқеа-ҳодисаларни мустикал таҳлил қила олиш қобилияти ва кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Айни пайтгача ўтказилган семинарнинг машғулоти учун халқаро ҳаётнинг энг долзарб масалалари мавзу қилиб олинди. Семинарнинг биринчи машғулоти ўтказилган факультет декани — сиёсий фанлар доктори, профессор Алишер Муминовнинг "Глобал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва замонавий таҳдидлар" мавзусидаги маърузаси талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Мавзуга доир замонавий илмий ёндашувлар ва таҳлилий қарашларнинг кўриб чиқилгани талабалар учун ибратли дарс бўлди. Қизиқарли савол-жавоблар ва қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган мазкур машғулотда иштирок этган талаба-ёшлар таҳлилий фикрлаш ва фактларга асосланган ҳолисона илмий хулосалар чиқариш бўйича анангина кўникмаларга эга бўлдилар.

Қайд этиш керакки, семинар-тренингга қизиқувчилар ва унинг иштирокчилари сони кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг асосий қисмини тарих факультети талабалари ташкил этмоқда. Шу билан бирга, университетнинг бошқа факультетларидан ҳам бакалаврият ва магистратура бошқичлари талабалари, муста-

қил тадқиқотчилар ҳамда малака ошириш курслари тингловчилари ҳам семинар машғулотида иштирок эта бошлаганлари қувонарлидир.

Семинарда бўлган қизиқишнинг амалдаги ифодаси сифатида тарих факультети талабалари томонидан телеграм ижтимоий тармоғида ҳам "Халқаро ҳаёт" деб номланган гуруҳ шакллантирилди. Унда талабалар нафақат семинарда кўтарилган мавзулар, балки халқаро

"ХАЛҚАРО ҲАЁТ" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРИ

ҳаётнинг бошқа долзарб масалалари бўйича фикр алмашмоқдалар. Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган бундай мулоқотлар жараёнида унинг иштирокчилари илмий баён услубини эгаллаш, фикрларини лўнда ва аниқ шакллантиришга ҳаракат қилаётганлари қувончли хол.

Семинарнинг иккинчи машғулоти унинг илмий раҳбари — сиёсий фанлар доктори, профессор Зоҳидилло Мунавваров томонидан ўтказилди. "Яқин Шарқ; ўзгаришлар динамикаси ва Ўзбекистон манфаатлари" мавзусидаги тақдиротларга асосланган ушбу машғулотда охириги бир асрдан ортиқроқ даврда "қайнаб-тошаётган" ушбу минтақанинг оғриқли муаммолари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Энг муҳими Ўзбекистоннинг минтақа билан боғлиқ манфаатлари ва уларнинг мамлакатимиз эҳтиёжларига мувофиқ тарзда рўйбга чиқариш вазифалари ҳақида фикр юритилдики, бундай ёндашув машғулотнинг амалий-табқиқий моҳиятини кучайтирди. Дарҳақиқат, Яқин Шарқ, умуман Марказий Осиё ва хусусан, Ўзбекистон учун бениҳоя муҳим ҳудуд бўлиб, унда кечаётган

жараёнлар у ёки бу кўринишда бизнинг диёримизда ҳам акс-садо бераётгани барчамизга яхши маълум. Бундай кўринишларнинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида жиддий ўйлаш барчамизнинг, энг аввало, зиёлилар зиммасидаги масъулиятлардан биридир.

Тарих фанлари доктори, профессор Ольга Кобзева томонидан ўтказилган "Евроосий майдони: Буюк Ипақ йўлининг тикланиши муаммолари ва истиқболлари" мавзусидаги навбатдаги машғулоти ҳам мароқли ўтди. Бу машғулотнинг рус тилида ўтказилгани талабаларда ҳар қандай зиёли одам, айниқса, тарихчи учун чет тилларни билишнинг нечоғлиқ муҳимлиги ҳақидаги эслатма вазифасини ўтади. Машғулотнинг мазмун-моҳиятига келсак, Буюк Ипақ йўлининг замонавий шароитларда қайта тикланиши билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечимлари ва истиқболлари хусусидаги мазкур масаланинг билимдонларидан бири бўлган маърузачининг фикрлари барчада чуқур таассурот қолдирди.

Ўз моҳиятига кўра, семинар-клуб мазмунини касб этиб бораётган "workshop"имиз ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Жумладан, машғулотларга давлат ва жамоат арбобларини тақлиф қилиш, клуб аъзоларининг илмий мақолаларидан иборат тўпламлар нашр этиш, семинар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш каби масалалар. Бундан ташқари, келажакда семинарнинг айрим машғулотларини чет тиллари, айниқса, инглиз тилида ташкил этиш режалари тузилмоқдаки, буларнинг барчаси унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади деган умидамиз.

Таъкидлаш ўринлики, семинар машғулоти мавзуларининг олдидан эълон қилиниши иштирокчиларга тайёрланган ҳолда келиш имкониятини яратиб бермоқда. Айни шунинг учун ҳам машғулотлар қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтмоқда. Семинар машғулотларининг бу тарзда ташкил этилаётгани олий таълимнинг тарих фанлар йўналишидаги ўзига хос инновацион ёндашув дейиш мумкин.

Сайфулла АШИРОВ,
ЎЗМУ тарих факультети талабаси

ПОЙТАХТИМИЗДА "МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ОЙЛИГИ" ЎТКАЗИЛМОҚДА

Иш бевуви томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан Бектемир туманида фаолият юритаётган "Артел Рохат" корхонасида "Меҳнат муҳофазаси ойлиги" доирасида семинар ўтказилди.

50 дан ортиқ касбаба уюшма фаоллари, корхона, ташкилотлар меҳнат муҳофазаси хизмати ходимлари, иш бевуви ва иштирок этган семинар йиғилишида сўнги пайтларда мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар, соҳага тааллуқли давлат ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар, мезърий ҳужжатлар ҳақида батафсил тўшунарлик берилди.

Семинарда Бектемир туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Фатхулло Нигманов, Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Сардор Салахутдинов ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган тўр ислохотларнинг олий мақсади — халқимизга муносиб турмуш ва меҳнат шaroити яратиш беришдан иборат эканлиги, буни ҳақида кенг қўламли ишлар бажарилаётганлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир давомида "Артел Рохат" корхона ҳуқуқшуноси Т.Махмудов, Тошкент шаҳар меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи А.Мўминов, Ўзбекистон Республикаси Саноят хавфсизлиги давлат қўмитаси давлат назорат бошқармаси бошлиғи муюмини О.Джуроев, "Кафолат ҳаёт" сўғурта компания

раҳбари А.Ахмедов, "Артел Рохат" корхонаси меҳнат муҳофазаси хизмати, техник хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги департаментининг бош мутахассиси Б.Азимов, Яшнобод туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази меҳнат гигиена бўлими мудири Г.Мадиярова, "Сувмаш" очиқ турдаги акционерлик жамияти раҳбар ўринбосари, касбаба уюшма қўмитаси раиси Б.Саидқовлар сўзга чиқиди.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Тадбирнинг иккинчи қисмида иштирокчилар корхона целларида ходимларга яратилган соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари билан танишдилар.

Пойтахтимиз туманларида ўтказилаётган бу каби тадбирлар нафақат соҳа эгалари, балки барча фаолларни янада хушёр бўлиш, оғоҳлик билан меҳнат қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, профилактика ишларини амалга ошириш борасида жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касбаба уюшмалари ташкилотлари бирлашма аппарати меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

ЖУРНАЛИСТИКА: ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА КЎНИКМАЛАР

Бугунги кунда журналистлар имкони борича бирор-бир соҳага ихтисослашган бўлиши давр талабидир. Яқинда Адлия вазирлиги журналистлар ва ОАВ вакиллари учун ҳуқуқий мавзуларда ўқув курслари ташкил қилди.

"Журналистика: ҳуқуқий амалиёт ва кўникмалар" деб номланган ўқув-семинари ОАВ соҳаси ходимларининг ҳуқуқий билимлари ва малакасини оширишга қаратилди.

Юристар малакасини ошириш марказининг профессорлари, доцентлари, катта ўқитувчиларидан — Бобоқул Тошев, Севархон Маринова, Шўхрат Файзиев, Рафиқ Шақуров, Шахноза Фафорова, Абдулхай Мўминов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг профессорлари ва доцентларидан — Хуршид Дўстмухамедов ва Назира Тўшпўлатовалар оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда журналист этикаси, ахлоқий чегаралар ҳақида батафсил тўшунарлик берилди.

Бундан ташқари, ахборот олиш ва тарқатиш кафолатлари, ахборот тарқатишда инсон шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, жавобгарлик масалалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ислохотлар, уни оммавий ахборот воситалари ёритиши ҳақида ҳам қизгин баҳс-мунозарга бўлиб ўтди.

— Журналист ўзини ўзи бошқариши керак, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тил-

лари университети халқаро журналистика факультетининг профессори Хуршид Дўстмухамедов. Мустақил ишлаш керак! Ҳаққонийлик, ҳолислик ва объектив ёндашнинг, яъни яхши ниятда ёзинг! Журналист энг аввало журналист этикасига амал қилсин. 2001 йилда "Даракчи" газетаси "Сиҳаттоҳдаги дам" номили ҳўқонинг ўртасига бу воқеага умуман алоқаси бўлмаган қашқадарёлик бир аёлнинг суратини қўйган. Уша аёл газетани судга берди, маънавий зарарни учқирди. Шундан сўнг бошқа газеталар ҳам сурат жойлаштираётганларида эҳтиёткорроқ бўлишди. Арзиман жойдан муаммо чиқарманг. Мурса йўлини изланг! Сизнинг ёзганингиз жамиятга фойда келтирсин, одамларни тўри йўлга бошласин.

Икки кун давом этган қизиқарли семинар сўнггида Юристар малакасини ошириш маркази директори Фаррух Мухамедов иштирокчиларга сертификат топширди.

Семинар малакали ва тажрибали ҳуқуқшунос ва журналистлар томонидан фаол суҳбатлар тарзида инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтказилди. Бу албатта, ҳўг соҳасини ёритувчи журналистлар учун яхши бир имкониятдир.

Хонбиби МАҲАМОВА

Тадбирлар

БОЛАЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ САҲНА АСАРЛАРИ

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида "Ёш болалар учун мўлжалланган томошаларда ёш чегараларини белгилаш мезърларини ишлаб чиқиш" мавзусида Халқаро болалар ва ёшлар театрлари ассоциацияси аъзоларининг учрашувига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков, "АССИТЕЖ — Ўзбекистон" ижодиёт тузилмаси раҳбари, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри директори Зулфия Ҳамраева ва бошқалар театрларда саҳна асарларини яратиш, уларнинг бадиий эстетик жиҳатлари, сифат ва самарадорлиги хусусида сўз юритди.

Халқаро болалар ва ёшлар театрлари ассоциациясига 2018 йил Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри негизида "АССИТЕЖ — Ўзбекистон" номи билан юртимизда фаолият олиб бораётган барча болалар театрлари аъзо бўлди. Аяна-яна кўра ташкилотга янги аъзо бўлган мамлакатда "АССИТЕЖ" тадбирлари доирасида спектакллар намойиши, уларнинг муҳокамаси, ютуқ ва камчиликлари ҳал этиш учун давра суҳ-

батлари, ижодий мулоқот жараёнлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Тадбирлар доирасида Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ва Ўзбекистон давлат кўргўчоқ театри томонидан тайёрланган бир қатор спектакллар намойиши этилди. "Болалар спектакларида томошабинларнинг ёшларини чегаралаш тамойиллари" мавзуси тадбирнинг асосий мавзусини ташкил этди.

Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Озарбайжон, Бельгия, Грузия, Россия, Покистон, Эрон, Исроил, Шри-Ланка, Беларусь, Мўғулистон каби давлатлардан таширф бурган вакиллар иштирокида ўтказилган анжуман қизгин фикр-мулоҳазаларга, баҳс ва мунозараларга бой тарзда маъмули ва мароқли яқунланди.

Маданият

ҲАЙВОНОТ БОГИДА ПРЕСС-ТУР УЮШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Тошкент ҳайвонот боғига Пресс-тур ташкил этилди. Унда журналистлар, маданият ва санъат соҳаси вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

— Ушбу Пресс-турни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Тошкент ҳайвонот боғи фаолияти ва истиқболдаги режаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг матбуот котиби Мовлуда Аскархўжаева.

Зеро, табиат ва ҳайвонлар ўртасидаги узвий уйғунликда биз билган ва билмаган қанча сир-асрор ва тилсимотлар мавжуд. Бинобарин, ҳайвонот олами-нинг ўзига хослиги ва баъзан бир-бирига кўрсатган меҳр-муҳаббатини кўриб лол қоламиз. Она табиатнинг ўзи бир уста наҳқош, у бутун борлиғи, мавжу-

дотлари билан ажойиб ва гаройибдир. Умид қиламизки оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳайвонот боғи фаолияти, яратилган шарт-шaroитлар, ютуқ ва камчиликлар, уларда яшаётган ҳайвонлар ҳақида юртдошларимизга батафсил маълумот берадилар.

Гулнигор САТТОРОВА

Ободлик манзаралари

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАНАЛЛАРИ АТРОФИДА WI-FI ҲУДУДЛАР, КИТОБ КАФЕЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимиз пойтахтимиздаги каналлар атрофини обод сақлаш, бу ерларда одамлар дам оладиган, болалар чўмиладиган сўлим ва хавфсиз ҳудудлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳаёт ИНОФАМОВ ЎЗА муҳбирига бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди:

— Тошкент шаҳри каналлари узок йиллар давомида эътибордан четда қолиб, экологик ҳолати ачинарли бўлиб қолган эди. Каналлар атрофи ўзбошимчалик билан ўзлаштирилиб, ноқонуний қурилишлар амалга оширилган, бу турли ноқулайликларни юзага келтирганди. Президентимиз топшириғи билан 2018 йилда шаҳар каналлари тозаланиб, атрофи ободонлаштирила бошланди. Бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 17 августдаги "Тошкент шаҳрида бошқаруvingни алоҳида тартибни жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги Фармонига асосан Тошкент шаҳридан ўтадиган каналлардан фойдаланиш ва бошқариш ҳамда уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш тизими яратилди. Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси ташкил этилди.

Бошқарманинг асосий вазифалари каналлар ва улардаги иншоотларни сақлаш бўйича ягона техник сиёсатни олиб бориш, уларнинг санитар ҳолати ва ишончилигини таъминлашдан иборат. Эндиликда каналларни санитар тозалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, уларга туташ ҳудудлар ободонлаштирилмоқда. Бундан ташқари, каналларнинг шаҳардан ўтадиган қисмларини реконструкция қилиш, қирғоқ бўйларида замонавий ландшафт меъморчилиги усулларини қўллаган ҳолда рекреацион ҳудудларни шакллантириш, махсус техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кабилар амалга оширилди.

Бир вақтлар Тошкент шаҳрида 129 канал бўлган. Бугунга келиб ишчи ҳолатдаги 92 канал мавжуд. Утган йилги ана шу каналларнинг муҳофаза ҳудудидаги ноқонуний қурилишларни бартараф этиш мақсадида "Тоза канал" кампанияси тадбирлари йўлга қўйилди. Ташкил этилган 44 ишчи гуруҳ томонидан магистрал каналларнинг қирғоқбўйи минтақаларида аниқланган 1 минг 330 дан ортиқ ноқонуний қурилма бартараф этилиб, каналларнинг санитар ҳолатини яхшилашга эришилди.

Бошқарма томонидан каналларнинг 120 километр қисми, 170 метр икки кўзали қувур тозаланди, 1 километр канал қирғоқларига муҳофаза панжаралар ўрнатилди. Бундан ташқари, Бўрижар каналдаги охириги 40 йил давомида эътибор қаратилмаган, бироқ ўта хавфли бўлган сув ўтказгич (дюкер) тозаланиб, сув тошқини юз бериши эҳтимовининг олди олинди. Жўн каналнинг 3 мингта хонадонга хавф солиб турган ҳудудлари бартараф этилди.

Бошқарма томонидан 2019 йилда ҳам Тошкент шаҳридаги каналларни тозалаш, қирғоқларини бетонлаш, фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 3 январдаги "Тошкент шаҳридан ўтадиган каналлар ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бунинг учун умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 2 махсус техника харид қилинди. 2019 йилда жами 57 махсус техника ва транспорт воситаси харид қилинади. Каналларнинг қирғоқларига 20 километрдан ортиқ узунликдаги муҳофаза панжаралари ўрнатилади. Айрим каналлар ва коллекторлардаги сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар юз бериши мумкин бўлган ҳудудлар бартараф этилади. 250 километрдан ортиқ каналлар ўзани тозаланади. Эксперимент тартиқида шу йил баҳор мавсумида Бўзсув канали ўзанида моторли қайиқларда сайр қилиш хизмати йўлга қўйилади. Шунингдек, магистрал каналларга туташ ҳудудлар ҳам ободонлаштирилади, дам олиш масканлари барпо этилади. Жумладан, 137 километрлик магистрал каналларнинг 22 километрдан ортиқ бўлган туташ ҳудудларида сайилгоҳлар ташкил этилади.

Бу сайилгоҳларда шаҳар аҳолисининг дам олиши, хордиқ чиқариши, югуриш ва велоспорт билан шуғулланиши учун шaroитлар яратилади. Мавжуд имкониятлар ва сувнинг таркиби таҳлил қилиниб, қўйилиши ҳавзалари ташкил этилади. Канал бўйларига энергия тежовчи ёритгичлар, Wi-Fi ҳудудлар, китоб кафе, шахмат-шашка ўйнаш ва расм чизиш учун аллеялар ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, бу сайё-ҳаракатлар шажиримизнинг туристлар учун жозибadorлиғи ошишига ҳамда аҳоли дам олиши ва хордиқ чиқариши учун "Сув бўйи сайилгоҳлари" инфра-тузилмаси яратилишига хизмат қилади.

Хуршид КОДИРОВ
ёзиб олди

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уйда жойлашган "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Ал-Хоразмий филиали биносидаги мавжуд газ ҳисоблагичини замонавий электрон ҳисоблагичга алмаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 30, 16А-уй.
Телефонлар: (71) 287-41-54, (71) 270-02-52.
Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун мuddат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 1-линия Мукаррама Турғубоева кўчаси, 8-уй эгаси Тохтабаев Юсуп номига Юнусобод тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент темир йўл транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Азимов Исроил дўлоб ўғли номига берилган К № 1880178 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яшнобод туманидаги 215-сонли мактаб томонидан 1997 йилда Карабоева Наргиза Раҳимджановна номига берилган О'Р-Д № 000675 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЖУМА ОҚШОМИ

Қарор ва ижро

БОЛАЛАР – БОРЛИҒИМИЗ

Яқинда Миробод туманидаги 345-сонли мактабгача таълим муассасасининг 33 йиллиги ҳамда капитал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилганлиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Миробод туман ҳокими Ш.Пулатов Президентимиз томонидан мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда келажак авлодни қамраб олишни янада кенгайтириш, ўқув-тарбиявий жараённинг сифатини ошириш, нодавлат мактабгача таълим масканлари тармоғини кўпайтириш, кадрларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

1986 йилда қурилган мазкур муассасада бугунги кунда 260 нафар болажонлар таълим-тарбия олмақда. Муассасада 2018 йилнинг август ойидан "Турон Навқирон" масъулияти чекланган жамияти курувчилар томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган эди. Беш ой давомида тезкорлик билан олиб борилган ишлар натижасида мактабгача таълим муассасаси бутунлай янгича кўёфа касб этиб фойдаланишга топширилди.

Болалар ва тиббиёт хоналари, спорт заллари, ошхона, кир ювиш хоналари, услубий қўлланма, ўйинчоқлар, илгўр технологияларни қўллаган ҳолда замон талабларига жавоб берадиган муҳандислик коммуникациялар тизимлари билан тўлиқ жиҳозланди.

Йилнинг фаслларига мос қуш ва бошқа жонзотлар тасвири тасвирланган бурчаклар ташкил

этилиши нафақат болажонларнинг балки уларнинг ота-оналари ва яқинлирига ҳам бирдай манзур бўлди. Бир сўз билан айтганда янги таъмирдан чиққан, кўзни қувнатадиган мўъжазгина сеvimли масканга айланди.

– Президентимиз ташаббуси билан мактабгача таълим тизimini тубдан ислоҳ этиш, соғлом ва баркамол авлодни комил инсон қилиб камолга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда, – дейди 345-мактабгача таълим муассасаси мудираси Нилуфар Мухамедова. – Мактабгача таълим муассасалари фаолияти ва моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, малакали, замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантирилиб, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражаси янада юксалтирилмоқда. Бу эса истиқболли келажак эгаларининг бахтли эртасидан далолатдир.


Дарҳақиқат, ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илгўр шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари тезкорлик билан жорий этилаётганлиги жажжи авлоднинг истиқбол-

ли ва порлоқ эртасини таъминлаб беради. Болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта билим бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий қадриятларни сингдириб бориш орқали она Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш масаласи давр талаби даражасида бўлмоғи лозим.

Тизимда кенг қўламли ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. 2019 йил 1 январдан бошлаб мактабгача таълим муассасасига қатнайдиган болалар учун жисмоний шахсининг идентификация рақамини бериш хизмати жорий қилиниши ҳам олиб борилаётган тезкор ишларнинг асосини ташкил этади. Бунда боланинг ривожланиши, таълим олиши ва саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва бу ҳақда ота-оналарини хабардор қилиш имкониятлари яратилади.

Зеро, бу ишлар келажак порлоқ, истиқболли ёрқин болажонларнинг нури эртаси учун мустаҳкам замин яратиш билан бирга, соғлигини янада муҳофазалашда, онгу тафаккурини теранлаштиришда, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш ва бекаму кўст тарбия олишида муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Инсон оилада дунёга келади, маҳаллада вояга етади, таълим муассасасида тарбияланади ва жамиятга наф келтирадиган шахс сифатида намоён бўлади.

Тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, аҳиллик бўлган жойдан файзу барак аримайди.

Маҳаллада одамлар фақат кўшничлик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий меъёрлар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғланган.

Кексаларимиз хонадонларимиз кўрки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз, анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир.

Ҳаётни кузатиб, одамларнинг турмуши, тақдири, хатти-ҳаракати, феъл-атворини кўриб ибрат олиш, хулоса чиқариш керак.

Бизнинг ҳалоллигимиз ўзимиз ва ўзгаларга нисбатан ҳаммиша қаттиқ талабчанлигимиздан иборат бўлмоғи лозим.

Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Бир донишманд шундай дейди: – Сен то қувватинг бор экан, доимо ростгўйлик ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сени саодат чаманидан мударо гулини терасан.

Ўн хислатни кўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, ҳалоллик, инсоф, мулоимлик, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифрат ва адолат.

Ҳаётда сен курашсанг фойда ёзиён учун, ўйламагил ўзингни дегил: “Бу жаҳон учун”.

Жонингни фидо қилиб ёрит ўзгалар уйин, Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.

Фарзандлар! Тарбия шундай азиз бир нарсаки, у инсонни ҳамма вақт тўғри йўлдан олиб боради. Одамларнинг тарбияли ва тарбиясиз эканликлари юриш-туришидан, муомала ва муносабатларидан кўриниб туради. Тарбияли одам ўзини катта тутмайди, манманликка йўл қўймайди.

Ҳаёт сабоқлари

МАНМАНЛИК – ЁМОН ИЛЛАТ

Бу воқеани таниқли бастакор дўстим Мухомед Нурматов сўзлаб берганди. Бир маъракада машҳур санъаткор, устоз Таваккал Қодиров дўстлари қуршовида даврани кенг олиб, кулиб гаплашиб ўтирган экан, шогирдларидан бири асабий, тажанг ҳолда келиб қолибди. Салом-алиқдан кейин шогирд йиғлағудек бўлиб:

– Устоз, овозим чиқмай қолди, тўйларда ашула айтолмайман, авж пардаларни кўтара олмаймаман, унча-мунча билганлар устимдан кулаяпти, айтинг нима қилай, шарманда бўлдим, ёрдам бермасангиз бўлмайди, мени бу дарддан, бу балодан қутқаринг, устоз, – дебди.

Таваккал ака шогирдининг бу ҳолатини аввалдан билиб, то ўзи ёрилмагунча индамай юрганми, кулиб бир қараб қўйибди-да, дастурхон атрофида ўймалашиб юрган чивинлардан икки учтасини шартта ушлаб, ярми ичилмаган шўрва турган экан, чивинларни шўрвага ташлабди.

– Ма, ич буни шифо бўлади, – дебди.

– Ие, устоз чивин ҳам шифо бўлар эканми, бунақасини ҳеч эшитмагандим, мен буни ичолмайман, – дебди шогирд.

– Ичасан, – дебди устоз.

– Жон устоз, буни ичолмайман. Ичиш тугул кўрибоқ кўнглим айниб кетди. Бир хўплам ичсам, қусиб юбораман, – дебди шогирд.

– Бир хўплам эмас ҳаммасини ичасан. Ичмасанг, мени бунақал шогирдим йўқ деб, ҳаммага эълон қиламан ва ҳаммани олдида қувиб юбораман. Кетасан, кейин бошқа юз кўришмаймиз, – дебди Таваккал ака.

Шогирд нима қиларини билмай, нажот сўраб, ҳаммага бир-бир қараб чиқибди. Ҳамма жим. Таваккал аканинг амрига бўйсуниб, сукутда турган эмиш.

Шогирди кўзини юмиб, учта пашша гимирлаб турган шўрвани шартта кўтариб, ичиб юборибди. Ичибди-ю, бўш қосани дастурхонга қўйганча кўчага отилибди. Хангу манг турган жамоа, шогирд то кўчадан қайтиб келгунча “чуқ” этмабди.

Бироздан сўнг шогирд ранги бўзариб, титраб қақшаб қайтиб келибди.

– Устоз айтдим-ку ичолмайман деб, ҳарчанд ўзимни тутишга уринсам ҳам тўхтатолмадим, ичганимни ҳаммасини қайд қилиб ташладим, минг бор узр, устоз, – дебди шогирд кўрқа-писа.

Шунда Таваккал ака: – Бор, энди бориб ашулангни айтавер, овозинг жойига келди, энди дўрилламайсан ҳам, хирилламайсан ҳам, – дебди.

Шогирд уйига келиб, ашула айтса овози жаранглаб чиқаётган эмиш. Ноласи паст пардада ҳам, авж пардада ҳам бирдай ёқимли экан.

Шогирд устознинг мўъжизавий шифосидан ҳайратга тушибди. Таъзим бажо келтириш, миннатдорчилик билдириш ниятида, устознинг уйига йўл олибди. Ширин-шакар сўзлар айтиб, устознинг кўнглини овлабдида, кўрсатган кароматингизни сири нимада, қўллаган тадбирингизни нима ҳикмати бор? – деб сўрабди.

Таваккал ака меҳрибонлик ва дилкашлик билан жилмайиб:

– Сенинг мана бу кўксингда кибр балоси, манманлик иллати, катта кетиш гурури тўпланиб қолган эди. Сен ўша шўрвани ичиб, қайд қилиб ташлаганингда, ёмон иллатлар вужудингдан чиқиб кетди. Чунки ўша иллатлар сенинг овозингни бўғиб, юрагингдаги асл нолаларни чиқармаётган эди, – деган экан.

Бу воқеа шогирдга бир умрлик сабоқ бўлибди. Қачонки ўй хаёлида, юрагида, юриш-туришида озгина кибр пайдо бўлса, бўлиб ўтган воқеани эслар, чивин тушган шўрвани кўз олдига келтирар, агар юрагиндан кибр кетмаса, уч-тўртта чивини ўлдириб, ўзини ўша шўрвани ичишга мажбурлар экан.

Мухаммад ИСМОИЛ

Бу қизиқ!

ЕТТИ САЛОҲИЯТЛИ САЙЁРА АНИҚЛАНДИ

Кашф қилинган сайёралар TRAPPIST-1 юлдузи атрофида айланади. Улардан олтинчиси худди ердагидек тошли юзага эга. Олимларнинг сўзларига кўра, экзосайёра-лар тадқиқ қилиш мумкин бўлган зоналарда жойлашган. Уларда ҳаддан ташқари совуқ ҳам, иссиқ ҳам эмас – ҳарорат ин-

сонлар яшаши учун тўғри келади. Бундан ташқари, улар Ерга яқин жойлашган – атиги 40 ёруғлик йили. NASA мутахассислари ўз топилмаларидан хурсанд бўлиб кетишди, зеро экзосайёралар анча яқин бўлиб, келгусида уларни ўрганиш катта қийинчилик тугдирмайди.

ДУНЁДАГИ ИЛК КВАНТ ТЕЛЕПОРТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШДИ

Star Trek мухлислари хурсанд: олимлар биринчи транспортаторни (муайян маънода) ўйлаб топдиши. Хитойлик олимлар жорий йилда биринчи марта кўзгулар ва лазерлар ёрдамида фотонларнинг баъзи хусусиятларини ердан ташқи космосга телепортация қилиш-

нинг уддасидан чиқиши. Мазкур тажриба квант физикаси учун улкан муваффақият бўлди — олимларнинг айтишича, янги технология бутун дунё бўйлаб энергия ва маълумот кўчириш усуллари тўлиқ ўзгариши мумкин. У тўғрисида ЭХМ соҳасида ул-

кан истиқболлар очилмоқда — у муғлақо янги турдаги, аклини шохириб қўювчи квант компьютерларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ута тезкор квант интернет янада тезкор, хавфсиз ва ташқи таҳдидлардан буткул ҳимояланган бўлади.

КЕЙВОРД

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Т	И	Л	А	К									

Ушбу кейвордда ҳар битта сон фақат битта харфни ифода қилади. Ёрдам тариқасида бир нечта харфлар ўз ўрнида қолдирилган. Ундан фойдаланиб, қолган харфларни ҳам топиб сўзларни ясанг.

	9		9		8	4	6	14	2		4		
1	4	7	4	6		3		2		10	1	4	
	7		3		12	4	13	3	10	6	10		
9	4	7	2	9	2	7		1			1	14	
	5		14		7		1	2	7	4	6	4	
4		4		5	10	5		7		7		3	
14	4	8	8	10	9	3	2	7	2	5	4		
2		2		13		11	4	14		10		12	
14	4	7	8	4	5		14		4		4		
4		4		5	10	8	12	10	6	4	13	1	
	13		4		12		4		1		13		
12	4	7	1	4	9	4		1	2	3	4	5	
	8		4		2	8	1	4	5		3		
1	13	2	5	8		1		9		12		4	
	4		4		3	4	9	2	7	2	6	1	
4	8	1	12	4		6		4		3		2	
	4				9	4	8	1	4	5	10	7	

Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 23 февраль кунини ҳаво ўзгартириш тури, ёнғинчилик кутилмайди. Эрталаб ва кечқурун туман тушиши мумкин. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кеча-

си – 1, кундузи – 11-13 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 23 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.